



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI OLOT TUMANI HOKIMINING QARORI

Buxoro viloyati, Olot tumani, Olot ko‘chasi, 73-uy. Tel: (365) 34-22-114, faks: (365) 34-22-539

2021 - yil 19 - noyabr

99-2-31-Q/21

Olot tuman hokimligi

Бухоро вилояти ҳокимининг 2021 йил 16 ноябрдаги 151-2-0-Q/21-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 ноябрдаги “Германия тараққиёт банки иштирокида “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-9-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақидаги Бухоро вилояти ҳокимининг 2021 йил 16 ноябрдаги 151-2-0-Q/21-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бухоро вилояти ҳокимининг 2021 йил 16 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 ноябрдаги “Германия тараққиёт банки иштирокида “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-9-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақидаги”ги 61-2-0-Q/21-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг мазкур қарорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига мувофиқ, шунингдек, иктисодиётнинг барча соҳалари, шу жумладан қишлоқ хўжалиги йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Германия тараққиёт банки (кейинги ўринларда – KfW) билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида;

Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган молиявий ҳамкорлик келишувига асосан KfW томонидан Ўзбекистон Республикасида “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – Лойиха) молиялаштириш учун йиллик 2 фоизли ставкада, 10 йиллик имтиёзли даврини ўз ичига олган ҳолда 30 йил муддатга кредит бўйича қарз ва грант битимлари имзоланганлиги;

Лойиҳанинг умумий қиймати 29,8 млн евро бўлиб, шундан:

26,8 млн евро KfWнинг кредитини ташкил этиши;

3,0 млн евро Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ конструкция хизматлари учун KfW грантини ташкил этиши белгиланганлиги;

Лойиҳани амалга ошириш муддати 4 йил (2021-2024 йиллар) этиб белгиланганлиги;

Лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда амалга оширилиши белгиланганлиги;

Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари ва маблағларидан фойдаланиш жадвали 1-иловага мувофиқ;

Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида KfW кредитини ва унинг фоиз тўловларини тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

Германия тараққиёт банки иштирокидаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3.Туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Бешимов, Т.Исмоилов туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Л.Умаров) билан биргаликда туманда мазкур қарор мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари орасида тарғибот қилиш ва лойиҳа ташаббускорларини аниқлаиш топширилсин.

4.Мазкур қарор ижросининг назорати туман ҳокимининг ўринбосари-Инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Ш.Бешимов зиммасига юқлатилсин.

Туман ҳокими



Н.Нематова